

КОНСТИТУЦИЯ УСТУВОРЛИГИ-ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ТАЯНЧИ



Истиқлол йўлидан дадил ва ишонч билан илгарилаётган давлатлар учун **демократик давлатчиликни барпо этиш** шунчаки сиёсий шиор эмас, балки стратегик вазифадир. Ана шу юксак мақсад сари ҳаракатда **конституциявий судлар** фаолияти алоҳида ва ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Чунки улар фақатгина қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Конституцияга мувофиқлигини текширувчи орган эмас. Улар **инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли кафолатловчи, демократик институт**дир.

Конституциявий суд давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашга, қонун устуворлигини қарор топтиришга ва жамиятда адолат тамойили мустаҳкамланга хизмат қилади. Зеро, Конституция устувор бўлган жамиятда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилинганига ишонади, давлат органларини фаолияти эса **қонунийлик ва масъулият мезони**га асосланади.

Шу маънода, конституциявий судлар-бу давлат ҳуқуқий таянчи, демократик тараққиётнинг кафолати рамзидир.

Конституциявий судлар нима?

Конституциявий судлар давлат ҳокимияти тизимида **конституциявий назорат**ни амалга оширувчи **институти** бўлиб, мамлакатда қабул қилинаётган барча қонунлар, парламент қарорлари, Президент фармонлари ва қарорлари, ижро ҳокимияти ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг **Конституцияга мувофиқлигини таъминлайдиган ҳуқуқий механизм**дир.

Конституциявий суд-бу **ҳуқуқий давлат тамойилларининг кафолатчиси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг сўнгги таянчи** ҳисобланади. Агар Конституция давлатнинг сиёсий ва ҳуқуқий асоси бўлса, Конституциявий суд ана шу асосни мустаҳкам сақловчи ва уни амалда ҳаётга татбиқ этувчи институтдир.

Ҳар бир давлат ўз тарихий тажрибаси, сиёсий тизими ва ҳуқуқий анъаналарига кўра Конституциявий суднинг ваколат доирасини белгилайди. Шу боис, унинг таркиби, судьялар тайинланиш ёки сайланиш тартиби, ваколат муддати, ички тузилиши ва функциялари мамлакатдан мамлакатга фарқ қилади. Айрим давлатларда суд фақат норматив назорат билан чекланса, бошқаларида у фуқаронинг тўғридан-тўғри мурожаатларни кўради, сиёсий партиялар фаолиятини назорат қилади ёки юқори мансабдор шахсларни суд қилиш ваколатига эга бўлади.

Ана шу турфа ёндашувлар ва ҳуқуқий моделлар таҳлили биз учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки **конституциявий назорат механизмининг самарадорлиги** давлат барқарорлиги, сиёсий мувозанат ва фуқароларнинг адолатга бўлган ишончи билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди: тарихий пойдевор ёки янги бурилиш?

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 1995 йили ташкил этилгани-бу шунчаки янги давлат органи таъсис этилган сана эмас. Бу-**мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий меъморчилиги бошланган давр, қонун устуворлиги тамойилини амалий ҳаётга татбиқ этиш бўйича илк стратегик қадам** эди.

Мамлакат мустақиллигининг илк йилларидаёқ раҳбарият томонидан аниқ англаб етилди: агар Конституция устувор бўлмаса, агар давлат қарорлари ҳуқуқий мезонлар асосида баҳоланмаса, барқарор тараққиётни таъминлаш мумкин эмас. Шу боис Конституциявий суд мустақилликнинг дастлабки босқичидаёқ ташкил этилди. Мустақил-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йилда қабул қилинган), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига бағишланган норма белгилаб қўйилди. Унинг таъсис этилиши-бу **ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги онгли ва узоқни кўзлаган сиёсий қарор** эди.

Конституциявий суд фаолияти кейинги йилларда бир неча бор такомиллаштирилди. Янги қонунлар қабул қилинди, Конституцияга ўзгартишлар киритилди, суд тизими институционал жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу жараёнлар суднинг нуфузини оширди, унинг

ваколатларини аниқ ва самарали тарзда белгилаб берди. Суд нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий барқарорликнинг ҳам муҳим омилига айланди.

Айниқса, Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида 2024 йил 12 январда қабул қилинган конституциявий қонун Конституциявий суд фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Ушбу қонун суд таркибини, иш услубини ва мандат асосларини янада мустаҳкамлади. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд **9 нафар судьядан** иборат бўлиб, улар **10 йиллик муддатга** сайланади ва судьялар **қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас**.

Бу норма шунчаки техник қоида эмас. Бу-суд мустақиллигини кафолатлаш, унинг фаолиятини сиёсий таъсирдан ҳоли ҳолда таъминлашга қаратилган принципал ёндашувдир. Чунки қайта сайланиш имконияти йўқлиги судьянинг қарор қабул қилишда фақат Конституция ва қонунларга таянишини таъминлайди.

Шу маънода, 2024 йилги ислохотлар Конституциявий судни замонавий талабларга мос, ташкилий жиҳатдан барқарор ва стратегик аҳамиятга эга олий ҳуқуқий орган сифатида янада мустаҳкамлади. Бу-шунчаки тарихий давомийлик эмас, балки **Янги Ўзбекистон шароитида конституциявий адолатни таъминлашнинг янги босқичидир**.

Судьяларга қўйиладиган талаблар ва судья қасамёди-адолатга садоқат мезони

Конституциявий суд судьяси-бу оддий мансабдор шахс эмас. Бу лавозимга даъвогар шахс давлатнинг энг олий ҳуқуқий қадриятлари-**Конституция, қонун устуворлиги ва адолат тамойили** олдида юксак масъулиятни зиммасига олади. Шу боис судьялик лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам алоҳида ва қатъийдир.

Аввало, номзод сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида етук мутахассис бўлиши, давлат ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий асосларини чуқур англай олиши керак. У нафақат назарий билимга, балки амалий тажрибага, мустақил фикрлаш қобилиятига ва юксак маънавий фазилатларга эга бўлиши шарт. Чунки Конституциявий суд қарорлари-бу фақат ҳуқуқий хулоса эмас, балки бутун жамият тақдирига таъсир кўрсатувчи стратегик қарорлардир.

Қонунчиликка мувофиқ, Конституциявий суд судьяси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши, камида 35 ёшга тўлган бўлиши ва ўз касбий фаолиятида юксак обрў-эътиборга эга бўлиши талаб этилади. Бу талаблар судьялик лавозимининг юксак мақоми ва масъулиятдан келиб чиқади.

Судьяларга малака даражаларини бериш тартиби ҳам аниқ белгиланган. Олий малака даражаси Президент томонидан берилади. Биринчи малака даражаси эса Конституциявий суднинг ўзи томонидан тақдим этилади. Бу ёндашув судьяларнинг касбий салоҳияти ва масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Бироқ энг муҳим ва таъсирчан маросим-бу қасамёддир. Сайланган судьялар Сенат йиғилишида қасамёд қабул қиладилар.

Қасамёд судьянинг сиёсий таъсирлардан холи ҳолда, фақат қонун ва виждонга таянишини англатади. Унинг қарорлари шахсий манфаат ёки ташқи босимга эмас, балки **Конституция руҳи ва адолат мезонига** асосланиши керак.

Шу маънода, Конституциявий суд судьясининг қасамёди-бу қонун устуворлигига, давлат барқарорлигига ва фуқаролар ҳуқуқларига садоқат рамзидир. Ана шу садоқат мамлакатимизда **адолатли ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги энг мустаҳкам таянч** бўлиб хизмат қилади.

**Конституциявий суд вазифалари ва ваколатлари-
Конституция устуворлигининг амалий ифодаси**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди мамлакатимизда **конституциявий назоратни таъминловчи олий ҳуқуқий механизм** сифатида фаолият юритади. Унинг асосий вазифаси-Конституциянинг устуворлигини таъминлаш, давлат қарорлари ва қонун ижодкорлиги жараёнида **қонунийлик ва адолат мезонини мустаҳкамлаш**дир.

Конституциявий суд кўриб чиқиши мумкин бўлган масалалар доираси кенг ва стратегик аҳамиятга эга. Аввало, у норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлигини текширади. Агар муайян ҳужжат Асосий Қонунга зид деб топилса, у ўз кучини йўқотади. Бу орқали мамлакатда **Конституциянинг олий юридик кучга эгаллиги** амалда таъминланади.

Шунингдек, давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган қарорлар Конституцияга зид бўлган тақдирда, суд уларни бекор қилиш ваколатига эга. Бу-давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашга хизмат қиладиган муҳим механизмдир. Чунки ҳеч бир орган ёки мансабдор шахс Конституциядан устун турмайди.

Конституциявий суднинг яна бир муҳим ваколати-Конституция ва қонун нормаларига расмий талқин (шарҳ) беришдир. Бундай талқин ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашувни шакллантиради, ҳуқуқий ноаниқликларни бартараф этади ва суд-ҳуқуқ тизимида барқарорликни таъминлайди.

Бундан ташқари, бошқа судлов органлари ваколатига кирмайдиган конституциявий низоларни ҳал этиш ҳам мазкур суд зиммасидадир. Бу орқали Конституциявий суд давлат ва жамият ҳаётида юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий зиддиятларни ҳал этишда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Энг муҳими, Конституциявий суд қарорлари ва талаблари барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади. Бу-**қонун устуворлигининг амалдаги кафолати, давлат барқарорлигининг ҳуқуқий таянчидир.**

Суд ўз фаолиятини мустақил амалга оширади. У фақат Конституция ва қонунга бўйсunaди. Унинг иш юритиш тартиби махсус қонун ва суд регламентида аниқ белгиланган. Бу эса Конституциявий судни **ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдевори, адолат ва қонунийликни таъминловчи юксак орган** сифатида намоён этади.

Янги Ўзбекистон ва суд ислохотлари-адолат устуворлигига қаратилган стратегик танлов

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли янгиланишлар нафақат иқтисодий ёки ижтимоий соҳани, балки давлатчиликнинг энг муҳим устун бўлган суд-ҳуқуқ тизимини ҳам тубдан янгилашни назарда тутди. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган **“Янги Ўзбекистон” тараққиёт концепциясининг** узвий ва мантикий давомидир.

“Янги Ўзбекистон” ғояси марказида бир тамойил мужассам: **инсон қадри-олий қадрият**. Бу шунчаки шиор эмас, балки давлат сиёсатининг асосий мезонига айланган тамойилдир. Зеро, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинмаган, адолат устувор бўлмаган жамиятда барқарор тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Шу боис суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Бу ислохотлар орқали суд мустақиллигини таъминлаш, одил судлов сифатини ошириш, процессуал кафолатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини тиклашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Суд қарорларининг шаффофлиги, очиқлиги ва асосланганлиги янги стандартга айланмоқда. Бу эса жамиятда **қонунийлик ва адолат муҳитини** мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур жараёнларда Конституциявий суд алоҳида ва марказий ўрин тутди. Чунки у давлат ҳокимияти тармоқлари фаолияти устидан **конституциявий назорат**ни амалга оширади, қонун ижодкорлиги жараёнида Конституция устуворлигини таъминлайди ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юксак ҳуқуқий механизми сифатида намоён бўлади.

Давлат раҳбарининг сиёсий нутқларида тез-тез тилга олинадиган **“конституциявий назорат”, “инсон қадри”, “адолат”, “очиқлик ва шаффофлик”** каби тушунчалар айнан Конституциявий суд фаолиятида ҳам ўзининг амалий ифодасини топади. Зеро, Конституция устувор бўлган жамиятда ҳеч бир қарор Асосий Қонундан устун бўлолмайди.

Шу маънода, Янги Ўзбекистон шароитида Конституциявий суд-бу шунчаки ҳуқуқий орган эмас. У-**давлат барқарорлигининг ҳуқуқий кафолати, адолатли жамият қуриш йўлидаги стратегик таянч, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг олий механизми**дир.

Бугунги ислохотлар шуни кўрсатмоқдаки, қонун устуворлиги ва адолат тамойили давлат сиёсатининг марказига айланмоқда. Ана шу жараёнда Конституциявий суднинг ўрни ва масъулияти янада ортиб бормоқда. Чунки Янги Ўзбекистонни барпо этиш-бу, аввало, **Конституция устуворлигига таянган ҳуқуқий давлат қуриш** демакдир.

Ўзбекистон Конституциявий суди: янги босқич ва янги вазифалар

2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат ҳуқуқий ҳаётида ҳақиқий бурилиш нуқтасига айланди. Бу шунчаки айрим моддаларни янгилаш эмас, балки давлат ва жамият муносабатларининг мазмунан қайта белгилаб олиниши, **инсон қадрини олий қадрият сифатида ҳуқуқий мустаҳкамлаш** ва **конституциявий адолатни янги босқичга олиб чиқиш** демакдир.

Янги таҳрирдаги Конституцияда Конституциявий суд ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Энг муҳим янгилик-фуқаролар ва юридик шахсларга **конституциявий шикоят қилиш ҳуқуқи** берилганидир. Бу қарор-стратегик ва тарихий аҳамиятга эга. Чунки эндиликда адолат фақат давлат органлари ташаббуси билан эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий фаоллиги орқали таъминланади.

Бу-**Конституцияни ҳар бир инсоннинг шахсий ҳуқуқий ҳимоя воситасига айлантириш** демакдир. Энди фуқаро ўз ҳуқуқи бузилган деб ҳисобласа, тўғридан-тўғри Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятига эга. Бу эса адолатни марказлашган тизим эмас, балки жамиятнинг ҳар бир қатламига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 18 декабрда қабул қилинган ПФ-253-сон Фармон Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Мазкур фармон билан суд фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, рақамли технологияларни жорий қилиш ва очиқликни таъминлаш бўйича кенг қамровли вазифалар белгилаб берилди.

Фармонга мувофиқ:

- суд фаолиятини **рақамлаштириш**;
- **“E-KSUD” ахборот тизимини жорий этиш**;
- суд мажлисларини онлайн кузатиш имкониятларини кенгайтириш;
- давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш каби устувор вазифалар белгиланди.

Бу чора-тадбирлар шунчаки техник янгиланиш эмас. Бу-**очиқлик ва шаффофликни давлат сиёсатининг амалиётдаги мезонига айлантириш**, адолатни фуқарога янада яқинлаштириш ва Конституциявий судни замонавий бошқарув маданиятига мослаштириш демакдир.

Рақамли трансформация орқали суд қарорларининг очиқлиги таъминланади, мурожаатлар кўриб чиқилишида тезкорлик ва аниқлик ошади, давлат органлари билан ахборот алмашинуви самарали йўлга қўйилади. Бу эса **қонунийлик муҳитини мустаҳкамлаш** ва жамиятда адолатга бўлган ишончни оширишга хизмат қилади.

Шу маънода, янги Конституция ва ПФ-253-сон Фармон билан бошланган ислохотлар Конституциявий судни замонавий, очиқ ва халққа яқин адолат марказига айлантиришга қаратилган стратегик қадамлардир. Бу-Янги Ўзбекистонда **Конституция устуворлигини таъминлашнинг янги модели**, адолатни рақамли маконга олиб чиққан замонавий ёндашувдир.

Хулоса ўрнида: Адолатга таянган давлат-барқарор келажак кафолати

Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар шунчаки таркибий ўзгаришлар ёки ҳуқуқий техника масаласи эмас. Бу-давлат ва жамият муносабатларини янги мазмунда қайта қуриш, **инсон қадрини олий мезонга айлантириш, қонун устуворлигини ҳаёт меъёрига айлантириш** жараёнидир.

Конституциявий суд ана шу тарихий жараённинг марказида турибди. У фақат қонунларни текширувчи орган эмас, балки **Конституция руҳининг посбони, адолатнинг олий мезони, давлат барқарорлигининг ҳуқуқий кафолати**дир. Янги таҳрирдаги Конституция, конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши, рақамли трансформация ва ПФ-253-сон Фармон билан белгиланган вазифалар-буларнинг барчаси Конституциявий судни замон талабларига жавоб берадиган, очиқ ва халқчил адолат марказига айлантиришга қаратилган.

Энг муҳими, бу ўзгаришлар қонун устуворлигини декларатив тамойил эмас, балки амалий ҳаёт қонидасига айлантирмоқда. Энди адолат фақат давлат органлари даражасида эмас, балки ҳар бир

фуқаро даражасида таъминланади. Бу-**демократик тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги босқичидир**.

Янги Ўзбекистон шароитида Конституциявий суд-бу ҳуқуқий назорат органи бўлибгина қолмай, балки **миллий тараққиёт стратегиясининг ҳуқуқий кафолатчисига** айланмоқда. Чунки Конституция устувор бўлган жамиятдагина барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолат ва сиёсий барқарорлик таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, **Конституция устуворлиги-давлат қудратининг эмас, адолат қудратининг устуворлигидир**. Ана шу тамойил Янги Ўзбекистонни янада кучли, очиқ ва инсонпарвар давлат сифатида шакллантиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Хасан Адилович Абдурахманов

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди
Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи,
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).